14 yil
Mustaqil O'ZBEKISTON

31 (465)
2005 йил 3 август
Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2 ▶ Жамоат назорати самараси
▶ Сиёсатдонми, сафсатабоз?..

3 ▶ Янгиариқдан янгиликлар
▶ Қўрқув ...бош оғриғига кор қилармиш?!

4 ▶ Тошкент тарихи "Туркистон тўплами"да...
▶ Соҳилда соябонни унутманг!

Спортчиларимиз довруғи

Эркин кураш

ЎКТАМ ВА НЕЪМАТ – ОСИЁ ЧЕМПИОНИ!

Японияда эркин кураш бўйича ўсмирлар ўртасида ўтган Осиё чемпионатида қитъамизнинг 12 мамлакатидан келган 100 нафардан зиёд спортчи ғолиблик учун гиламга чиқди.

Унда юртимиз шарафини Александр Недорезов бош мураббийлик қилаётган терма жамоамиз муносиб ҳимоя қилди. Етти полвондан тўрт нафари совринли ўринларни эгаллади.

Ўктам Тўйев, Неъмат Ешатаев шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Феруз Нусратовга кумуш, Артём Присяжнюкка бронза медаль насиб қилди.

Умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон терма жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

Бокс

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ СОВРИНДОР

Украинанинг Севастополь шаҳрида бокс бўйича «Қора денгиз кубоги» учун ташкил этилган халқаро турнирда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари — Афина Олимпиадаси совриндори Баҳодир Султонов ҳамда Осиё чемпиони Беҳзод Хидиров олтин медални қўлга киритди.

Иқтидорли боксчи Тўлашбой Дониёров кумуш, жаҳон чемпионати совриндори Шерзод Ҳусанов, Сидней Олимпиадаси совриндори Рустам Саидов, Дилшод Маҳмудов ҳамда Олим Назаровга бронза медали насиб этди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири.

— Яна нима дейди?
— Ёш спортчиларимизнинг шашти баланд, — дейди.

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси фаолиятида

САРҲИСОБ: ЯРИМ ЙИЛЛИК ЯКУНИ

унда жамғарманинг республика бошқаруви, бўлим ва бўлинмалари фаолияти таҳлил қилинди

30 июль куни Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси республика бошқарувининг 2005 йил 1-ярим йиллик якунига доир навбатдаги кенгайтирилган раёсат йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви раиси А.Гадойбоев очиб, бошқарувнинг 2005 йил 8 февралдаги Пленуми йиғилиши қарори билан тасдиқланган, жорий йил учун мўлжалланган режа-тадбирлари ижроси, "Сиҳат-саломатлик йили" дастуридаги вазифаларнинг бажарилиши юзасидан жамғарма бўлим ва бўлинмалари томонидан 1-ярим йилликда амалга оширилган ишлар хусусида маъруза қилди.

Жумладан, маърузачи Наврўз байрами арафасида уюшқоқлик билан ўтказилган ободонлаштириш ойлиги ҳамда умумхалқ ҳашаридан тушган маблағлар маҳаллаларни ободонлаштириш, уларнинг инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларига моддий ёрдам кўрсатиш, спортни оммалаштириш каби эзгу мақсадларга сарфланаётганлигини алоҳида таъкидлади.

— Ҳашарда 12 миллионга яқин фуқароларимиз иштирок этди, — деди А.Гадойбоев.— Унда ижтимоий жиҳатдан муҳтож оилаларнинг 2110,7 м.кв., яъни ўрта ҳисобда 42 минг 214 та оиланинг турар-жойлари ҳашар йўли билан таъмирлаб берилди. Ҳомий ташкилотларнинг кўмаги билан 471 миллион 200 минг сўмлик хайрли ишлар амалга оширилди. Аҳолининг кам таъминланган, моддий ёрдамга муҳтож қатламига мурувват кўрсатиш, маҳаллалар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқа хайрия тадбирларини ўтказиш мақсадида жамғарманинг республика бошқаруви ҳамда бўлим ва бўлинмалари томонидан умумий миқдорда 1 млрд. 795 млн. 900 минг сўмлик маблағ сарфланди.

Шунингдек, йиғилишда тадбир кун тартибидаги иккинчи масала — "Сиҳат саломатлик йили" давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг 2005 йил 1-ярим йиллик давомидаги ижросига оид масала кўрилди. Айтиш жоизки, жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар бўлим ва бўлинмалари томонидан давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Хусусан, Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 12 йиллигига бағишланган тантаналли йиғилишдаги "Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади" деб номланган маърузасининг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш юзасидан фуқаролар йиғинларида, ўқув муассасалари ва меҳнат жамоаларида тарғибот-ташвиқот ишлари мунтазам равишда олиб борилиб, 11093 дан ортиқ тадбирлар ўтказилди. Шу билан бирга аҳолининг, хусусан, ўқувчи-ёшларнинг соғлом турмуш кечиришлари, одамларнинг ўз соғлиқларини асрашга масъулият билан ёндошишларини таъминлаш ҳамда улар орасида тиббий маданиятни шакллантириш мақсадида турли мавзуларда 1630 дан ортиқ учрашув ва мулоқотлар, суҳбатлар, маърифий кечалар уюштирилди.

— Айниқса, бу борадаги ишлар кўлами турли байрамлар ва бошқа тадбирлар кунларида анча юксалиб, умумий миқдорда 155 минг 233 нафар фуқаролар учун аниқ манзилли мурувват ёрдамлари кўрсатилди, — деди А.Гадойбоев.

Бинобарин, айни пайтда маҳаллалараро ўтказилаётган анъанавий "Футболимиз келажаги" ҳамда "Маҳалламиз полвонлари" турнирлари мусобақаларининг республика босқичи ғолиблиги учун баҳслари қизғин кечмоқда.

Қисқа қилиб айтганда, "Сиҳат-саломатлик йили" дастурининг ўтган давр мобайнидаги ижроси учун жамғарма томонидан ажратилган маблағлар 1 млрд. 81 млн. сўмни ташкил этди.

Давоми 2-саҳифада

Хоразм вилояти

Боғот туманидаги Найман қишлоқ фуқаролар йиғини ходимлари ва фаоллари асосий эътиборни ҳудудда осойишталикни таъминлашга қаратганлар. Шу боис қишлоқ маҳаллалари ёшлари билан бу борада тез тез учрашув ва мулоқотлар уюштирилади.

Қадамбек ОТАЕВ олган сурат.

Республика амалий семинарида

МАҲАЛЛАДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ:

унинг ўрни, аҳамияти қандай ва бугунги кунда ушбу назорат тизимига эҳтиёж қай даражада?

Ўтган жума куни Қўқон шаҳридаги Урганжибоғ маҳалласида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси, Республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси, Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида "Жамоатчилик назоратини амалга оширишда нодавлат, нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва аҳамияти" мавзусида республика амалий семинари ўтказилди.

Семинарни Қўқон шаҳар ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Маъруфжон Усмонов очди.

Вилоят ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Шермат Нурматов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси бошқаруви раиси Аъзамжон Гадайбоевларнинг семинарда қатнашиб, Фарғона маҳаллалари ва уларда амалга оширилаётган жамоатчилик назоратини ташкил қилишдаги ибратли ишлар ҳақида қилган маърузалари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Акмал Саидовнинг "Жамоатчилик назоратини амалга оширишда нодавлат, нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва аҳамияти", Фарғона вилояти Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими раиси Толибжон Ҳафизовнинг "Фарғона вилояти маҳаллаларининг Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунида белгиланган ваколатларидан фойдаланган ҳолда маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан олиб борилаётган жамоат назоратининг амалиёти ҳақида", Қўқон шаҳар туғруқхонаси реаниматологи Марат Раҳмоновнинг "Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ва фуқароларнинг соғлигини муҳофаза қилишда нодавлат, нотижорат ташкилотларнинг ўрни ва жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги тажрибаси ҳақида"ги маърузалари ҳам катта қизиқиш билан тингланди.

Давоми 2-саҳифада

Муносабат: "Пуч миянинг тўқлик даъвоси" 2005 йил 27 июль

МУНОФИҚДАН ХАВФЛИ КИМСА ЙЎҚ

"Озодлик" радиосининг шу йил 18 июль куни эфирга чиққан эшиттириши ҳақидаги "Пуч миянинг тўқлик даъвоси" мақоласини ҳаяжонсиз, ғазабга тўлмасдан ўқиш сира мумкин эмас.

Ҳақиқатан ҳам чет эллик гумашталарига суянган, улардан паноҳ излаётган, улар берадиган садақага умид боғлаётган, сиёсатдонлик даъво қилаётган, инсоф, диёнат кўчасидан ўтмаган чаласаводлар оғзиларига келганини вайсаб, аслида ўзларининг ким эканликларини намойиш этмоқдалар.

Халқимиз "Бошингга не келса ўзингдан кўр" дейди. Бугун чет эл радиосида ўз юрти ва халқига қарши вайсақилик қилаётганлар ва уларнинг бошқа

Давоми 2-саҳифада

РАЗОЛАТ БОТҚОҒИГА БОТГАНЛАР

Ўтган умрим давомида садоқатни ҳам хиёнатни ҳам кўрдим. Бу ҳаётда ҳар нарса бўлиши мумкин. Бироқ... яқинда "Mahalla" газетасида чоп этилган "Пуч миянинг тўқлик даъвоси" мақоласини ўқигач, "Қалбида ғаламислик куртак ёзган одамда хиёнатнинг, нонкўрликнинг адоғи йўқ экан-да" деган фикрга бордим.

Мақолани ўқиганимдан бери бир савол менга ҳеч тинчлик бермаяпти: бузғунчилик кайфиятидаги бу сафсатабозларнинг яқинлари, маҳалладошлари бу ҳақоратларга қандай чидаб юрган экан? Бунинг устига бугун ҳам уларнинг баъзилари бу яқинлари, маҳалладошлари билан кўришиб турган бўлса керак... Улар бу ғаламисларни қандай қилиб кечириб келяпти экан-а...

Давоми 2-саҳифада

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим вазифаси жиноят, жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари, жиноий жазо тизимини изчиллик билан босқичма-босқич либераллаштириш ҳисобланади.

Сўнгги йилларда қабул қилинган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, судлар тўғрисидаги, прокуратура тўғрисидаги қонунларга, бошқа бир қанча қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноятларнинг таснифланиши ўзгартирилди, ўта оғир жиноятлар жумласига киритилган жиноятлар рўйхати камайтирилди, содир этилган жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турлари, ярашув институти жорий этилди. Жиноий жазолар тизимини либераллаштиришга қаратилган бошқа бир қанча дастурий чора-тадбирлар қабул қилинди.

Жиноятга оид сиёсатда, ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги туб ўзгаришлар мамлакатда ижтимоий-сиёсий, криминоген вазиятга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ўлим жазосини қўллаш соҳасининг босқичма-босқич камайиб бораётганлиги Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ тизимини, жиноий жазоларни либераллаштириш борасида амалга оширилаётган жараёнларнинг муҳим йўналиши бўлди. Мамлакат мустақилликка эришган пайтда жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ўлим жазосини назарда тутувчи 30 дан ортиқ моддалардан иборат эди. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йилги Жиноят кодексида бундай моддалар сони 13, 1998 йилда - 8, 2001 йилда эса 4 тагача камайтирилди. Ҳозирги вақтда, 2003 йилда жиноят қонунчилигини либераллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилгандан сўнг, фақат икки турдаги жиноят - жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятларини содир этганлик учун ўлим жазоси назарда тутилади.

Жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ўлим жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятлар сони жиноий жазога тортиладиган қилмишлар умумий сонининг бир фоизидан камроғини ташкил этади. Содир этилган жиноятнинг оғирлигидан қатъи назар қонун ҳужжатларида вояга етмаганларга, хотин-қизларга ва 60 ёшдан ошган шахсларга нисбатан ушбу турдаги жазони қўллаш тақиқланган.

Давлатимизнинг жиноятга оид сиёсати ўлим жазосини қўллашга нисбатан жаҳон тенденцияларига тўла мос келади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида эълон қилинган инсонпарварлик ва одиллик тамойилларини изчил ифода этади.

Айни вақтда, мамлакатда амалга оширилаётган жамият ва давлат ҳаётини демократик жиҳатдан янада янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш борасидаги ислоҳотларнинг моҳияти ва мазмуни, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш бўйича олиб борилаётган ишларнинг натижалари жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилинишини ҳамда уни умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси билан алмаштирилиши зарурлигини тақозо этмоқда.

Шу билан бирга, ушбу муҳим соҳадаги ислоҳотлар, ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши ва инсонпарварлик руҳида олиб борилишини ҳамда инсонлар онгида демократик қадриятлар тобора мустаҳкамланишини инобатга олган ҳолда изчиллик билан амалга ошириб борилиши лозим.

Ўлим жазосининг бекор қилиниши аҳоли орасида кенг тушунтириш ишлари олиб боришни, биринчи навбатда, мамлакатимизнинг ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги изчил ҳаракатларини асослаб беришни, жиноий жазони янада либераллаштириш, шу жумладан ўлим жазосини бекор қилиш заруратининг англаб етилишини кишилар онгида мустаҳкамлашни тақозо этади.

Ўлим жазоси умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш билан алмаштирилган шахсларни сақлаш учун мажмуа ва иншоотлар қуриш, зарур шарт-шароитларни яратиш, ана шу муассасаларда ишлаш учун ходимларни тайёрлаш билан боғлиқ бир қатор ташкилий-тайёргарлик тадбирларини амалга ошириш лозим.

Жиноят, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия қонун ҳужжатларини пухта ишлаб чиқиш ҳамда ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ушбу соҳадаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни, ўлим жазосини бекор қилган ва ўлим жазоси ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган шахсларнинг жазолари ижро этилишини ташкил қилиш тажрибасига эга бўлган хорижий мамлакатларнинг тегишли қонун ҳужжатларини чуқур ўрганиб чиқишни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши муҳим вазифа ҳисобланади.

Давоми 2-саҳифада

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Ҳомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

« M.R » — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

АЗИЗ МУШТАРИЙ! ГАЗЕТАМИЗГА АЙНИ КУНДА ҲАМ ЙИЛНИНГ ҚОЛГАН ҚИСМИ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. 2005 ЙИЛДА "Mahalla"СИЗ ҚОЛМАНГ!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Инсоннинг яшаш ҳуқуқини эълон қилувчи ва мустаҳкамловчи халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларидан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидаларидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек жиноий жазоларни янада либераллаштириш борасида аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасида 2008 йилнинг 1 январидан жиноий жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилинсин ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси жорий этилсин.

Қуйидагилар белгиласин:

умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси Ўзбекистон Республикаси Олий суди, жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди томонидан тайинланиши мумкин;

жиноят содир этганлик учун умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар жазони махсус тартибли жазо ижро этиладиган ихтисослаштирилган муассасаларда ўтайдилар.

2. Адлия вазирлиги, Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати 2006 йилнинг 1 январигача Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодексларига ўлим жазосини жиноий жазолар тизимидан чиқариб ташлаш ҳамда уни умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш билан алмаштиришга алоқадор ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар тайёрласинлар, бунда қуйидагиларни назарда тутсинлар:

ҳозирги вақтда ўлим жазоси тайинлашга йўл қўядиган жиноятлар содир этган шахслар учун озодликдан маҳрум этишнинг аниқ муддатларини белгилаш ва асослаш;

бундай жиноятлар учун жазо тайинлаш, озодликдан маҳрум этиш муддатларини ҳисоблаш тартиби, шунингдек ўлим жазоси ўрнига жорий этиладиган жазоларни ижро этиш тартиби ва шартлари.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумларни сақлаш учун зарур ихтисослаштирилган муассасалар иншоотлари мажмуасини қуриш ва фойдаланишга тайёрлаш чоралари, шунингдек ушбу муассасаларни молиялаштириш тартиби, уларда ишлаш учун кадрлар тайёрлаш тўғрисида қарор қабул қилсин.

4. Адлия вазирлиги, Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги билан биргаликда ўлим жазосини бекор қилиш масаласи бўйича аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини ташкил этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

5. Мазкур Фармон Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси муҳокамасига киритилсин.

6. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.А.Худайбергенов зиммаларига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 1 август

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси фаолиятида

САРҲИСОБ: ЯРИМ ЙИЛЛИК ЯКУНИ

унда жамғарманинг республика бошқаруви, бўлим ва бўлинмалари фаолияти таҳлил қилинди

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Кун тартибидаги учинчи масала фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари фаолияти таҳлилига бағишланди. Бу ҳақда жамғарма республика бошқаруви ходимларининг маърузалари тингланди. Маърузачилар маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари фаолиятини тўғри йўлга қўйиш ва услубий ёрдам кўрсатиш юзасидан Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси томонидан жорий йилнинг 6 ойи давомида қатор ижобий ишлар амалга оширилганигини қайд этдилар. Маслаҳатчи лавозимига номзод танлаш йўриқномаси, уларнинг намунавий функционал вазифалари, фаолиятини ташкил қилишнинг асосий йўналишларига оид тавсиялар ишлаб чиқилди, фаолиятига доир адабиётлар билан таъминланди.

Маслаҳатчиларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрига жамғарманинг республика бошқаруви ходимлари ва мутахассисларидан иборат мадад гуруҳлари доимий равишда иш сафарларига жўнатилди.

Республика Хотин-қизлар қўмитаси ва "Оила" маркази билан ҳамкорликда "Фуқаролар йиғинларининг диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси тўғрисида"ги намунавий низом қайта ишлаб чиқилиб, мутасадди ташкилотларга кўриб чиқиш учун тақдим этилди.

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви томонидан "Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи" республика кўрик-танлови ташкиллаштирилиб, шу кунга қадар кўрик-танловнинг туман ва шаҳар босқичлари юқори савияда ўтказилди.

Маълумки, саноқли кунлардан сўнг юртимизда Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги байрамини кенг нишонлаймиз. Ана шу байрамни жойларда ўтказиш тараддуди, бу борадаги ташкилий ишлар, алабатта, жамғарманинг республика бошқаруви, бўлим ва бўлинмалари, фуқаролар йиғинлари мутасадди ходимлари зиммасига қатор масъулиятли вазифаларни юклайди. Шу боис, йиғилиш кун тартибидаги тўртинчи масала айнан шу хусусда бўлди.

Хусусан, маърузачи Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви раёсатнинг 2005 йил 28 июлдаги "Мустақилликнинг 14 йиллиги муносабати билан маҳалларда фуқаролар осойишталигини ва жамоат тартибини таъминлаш тўғрисида"ги қарорини ижрога киритиш лозимлиги хусусида таъкидлади. Шунингдек, Мустақиллик байрами шодиёналарига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан аниқ тавсиялар берилди.

Айтиш жоизки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг юртимизда амалга ошираётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳалардаги иштирокининг кундан-кунга ошиб бораётганлиги, "Маҳалла" жамғармасининг ташкилий ва амалий ишларига янгича ёндашиш талаб этилаётганлиги унинг республика бошқаруви ҳамда бўлим ва бўлинмаларида ижро интизоми ва услубини қайтадан кўриб чиқиш ва такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Ана шу талаблардан келиб чиқиб жорий йилнинг ўтган даври ичида жамғарманинг Сирдарё ва Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳар бўлимлари фаолияти ўрганилган эди. Бу жараёнда уларнинг барча йўналишдаги, хусусан, ташкилий, молиявий, хўжалик ва иш юритиш борасидаги фаолиятлари таҳлил этилиб, бир қатор жиддий камчиликларга йўл қўйилганлиги қайд этилиб, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилган эди. Шунингдек, махсус раёсат қарорлари қабул қилиниб қайд этилган камчиликларни тўғирлаш юзасидан муддатлар белгиланган эди.

Жамғарма республика бошқаруви ҳузуридаги комиссия томонидан ушбу масала юзасидан жамғарманинг бўлимлари ва ҳокимликлар томонидан тақдим этилган маълумотлар таҳлилига кўра 2005 йил 23-28 июль кунлари ушбу вазифаларнинг ижроси қай даражада бажарилаётганини ўрганиш учун Тошкент шаҳрининг Бектемир ва Шайхонтоҳур туманларига ташриф буюрилди. Натижа шуни кўрсатдики, ҳар икки туманда аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан ҳеч қандай ташкилий ишлар қилинмаган. Йиғилиш кун тартибидаги навбатдаги масала муҳокамаси шу муаммоларга бағишланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси нашри бўлган "Mahalla" газетасига обуна масаласи ҳам муҳокама қилинди. Бу масалага жамғарманинг бўлим ва бўлинмалари томонидан алоҳида эътибор қаратилиши лозимлиги уқтирилди. Айниқса, тадбирда газетага обуна бўлмаган маҳаллалар фаолиятида сезиларли камчиликлар юзага келаётгани танқид қилинди. Чунки таҳририят томонидан газетанинг асосий йўналишидан келиб чиққан ҳолда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кўп қиррали фаолиятини ёритувчи ибратли, таҳлилий мақолалар газетанинг ҳар бир сонида бериб борилди. Тизим фаолиятига доир меъёрий ҳужжатлар, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари билан биргаликда Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси республика бошқарувида ишлаб чиқилган дастурлар, танловлар ва спорт мусобақалари низомлари, уларнинг бориши ва натижалари, ғолиблари ҳақидаги маълумотлар тезкор равишда ёритиб борилади. Демак, "Mahalla"га обуна бўлмаган маҳаллалар ўз фаолиятларида ана шундай муҳим янгиликлардан бехабар қолмоқдалар. Бу эса маҳаллалар ишида қатор муаммолар юзага келишига сабаб бўлмоқда. Бу ҳақда газетанинг 6 июль сонида эълон қилинган "Mahalla"сиз маҳаллалар" сарлавҳали мақолада батафсил сўз юритилган.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан жамғарма республика бошқаруви, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлими раисларининг ахборотлари эшитилиб, йиғилиш қатнашчилари томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб йиғилишда қарорлар қабул қилинди.

МУХБИРИМИЗ

Республика амалий семинарида

МАҲАЛЛАДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ:

унинг ўрни, аҳамияти қандай ва бугунги кунда ушбу назорат тизимига эҳтиёж қай даражада?

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Шунингдек, семинарда Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ижроси, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари раҳбарлари, шунингдек, ушбу органларга тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, ташкилот ва муассасалар раҳбарларининг ҳисоботини тинглаш, фаолият юритиш, хизмат кўрсатиш, тегишли шароит яратиш, фуқароларнинг мурожаатларини бажариш, уларда ўз ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан даъвогарлик ҳиссини шакллантириш бўйича тўпланган бой тажриба, муаммолар ва вазифалар қизғин муҳокама қилинди.

Семинар иштирокчилари "Маҳалла" жамғармаси Қўқон шаҳар бўлинмаси ихтиёрига берилган "Маҳалла маркази" маънавият хонасида.

"Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими ва бошқа жамоатчилик ташкилотлари вилоят прокуратураси билан ҳамкорликда бу жараёнга Республикада биринчиларидан бўлиб киришди. "Жамият, нодавлат ташкилотлар ва ўзини ўзи бошқариш идоралари орқали жамоатчилик назоратини ташкил этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, уларда ўз ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан даъвогарлик ҳиссини шакллантириш дастури" ишлаб чиқилиб, халқ депутатлари вилоят кенгашининг 2002 йил феврал ойида бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида муҳокама қилинди ва тасдиқланди.

Мана шу манбалар асосида вилоят прокуратураси ҳузурида жамоатчилик назоратини шакллантириш гуруҳи ташкил этилди ва унинг атрофига тажрибали қонуншунослар жалб қилинди. Ушбу гуруҳ тез орада 28 та йўналиш бўйича "Услубий тавсия"лар ишлаб чиқди ва уларнинг ҳар бири алоҳида китобча ҳолида 15 минг нусхада нашр этилди.

Олдинда ушбу "Услубий тавсия"ларда кўрсатилган ишларни амалда бажариш вазифаси турарди. Буни ким, қандай қилиб амалга ошириши керак? Вилоят прокуратураси бу борада ҳам ташаббусни ўз қўлига олди. Фарғона ва Қўқон шаҳарларида 30 соатлик ўқув курслари ташкил қилиниб, уларда вилоятдаги нодавлат ташкилотлар раҳбарлари, шаҳарча, қишлоқ ва маҳаллалар фуқаролар йиғинлари раислари, фаоллари ўқитилди.

Шундан сўнг вилоятдаги 978 та шаҳарча, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида жамоатчилик назоратини ташкил этиш бўйича алоҳида гуруҳлар тузилди. Йиғин раислари гуруҳ раҳбарлари этиб тайинланди. Ушбу гуруҳларга асосан пенсионерлар ва турли соҳа мутахассислари жалб қилинди. Уларга ўз вақтида услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида йиғинлар ҳузурида жамоатчилик назорати бурчаклари ташкил қилиниб, керакли адабиёт ва қўлланмалар билан таъминланди.

Қува туманидаги Намуна қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 5 та маҳалла бўлиб, уларнинг ҳар бирида жамоатчилик назорати гуруҳлари тузилган. Ушбу гуруҳларга 32 нафар катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган, фидойи инсонлар аъзо этиб сайланган.

Толмозор маҳалласи фуқаролар йиғини ҳузурида ҳам ана шундай назорат гуруҳи фаолият олиб бормоқда.

Қувасой шаҳридаги 17 та қишлоқ ва 12 та маҳалла фуқаролар йиғинларида жамоатчилик назоратини ташкил этиш бўйича гуруҳлар тузилган. Жамоатчи назоратчилар ўзларига ишониб топширилган ишнинг қанчалик масъулиятли эканлигини тўла ҳис қилган ҳолда фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан "Услубий тавсия"лар бўйича ўтган даврда 133 марта текширишлар ўтказилган. Ўтказилган ҳар бир текшириш бўйича далолатнома тузилиб, йиғилишларда муҳокама қилинган. Тақдимномалар бўйича 37 та айбдорга нисбатан чора кўрилган.

Умуман, 2002-2005 йиллар мобайнида вилоятда ўзини ўзи бошқариш органлари қошида ташкил қилинган жамоатчилик назорати гуруҳлари томонидан 13 минг 150 марта текшириш ўтказилган. Текширишлар якуни бўйича далолатномалар тузилиб, жойларга 1103 та тақдимнома ва 1800 тадан ортиқ талабнома юборилган. Суд инстанцияларига етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш бўйича кўплаб даъво аризалари киритилган ва ижобий ҳал қилинган. 500 тадан ортиқ фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқлари низосиз тикланган.

Урганжибоғ маҳалласи гузарида семинар пайти.

Вилоятда жамоатчилик назорати бўйича самарали ишлар қилинаётгани сабабли кейинги йилларда одамларда даъвогарлик ҳисси ўсиб боряпти. Улар қонунчилик, адолатнинг онгли курашчиларига айланиб боряптилар. Энг асосийси, одамларнинг ўзларига, давлатга ишончлари мустаҳкамланяпти. Улар шунингдек, жамоатчилик назорати давлат назоратига нисбатан кучлироқ ва самаралироқ эканлигини тушуниб етдилар.

Семинарда "Маҳалла" жамғармаси Қувасой шаҳри, Тошлоқ, Данғара туман бўлинмалари раислари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари сўзга чиқиб, ўзини ўзи бошқариш органлари қошидаги жамоатчилик назорати гуруҳлари фаолиятини ҳар томонлама кучайтириш ва қўллаб-қувватлаш зарурлиги, бу масалани қонун доирасида ҳал қилиш кераклиги ҳақида гапирдилар.

Семинар қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Жамоатчилик назорати тўғрисида махсус қонун ишлаб чиқса ва уни Олий Мажлис депутатлари тасдиғига киритса, деган таклифни илгари сурдилар.

Шу куни Қўқон шаҳар Маҳалла марказининг очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди. Унда иштирок этган семинар қатнашчилари Марказ фаолияти билан атрофлича танишдилар.

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

Муносабат: "Пуч миянинг тўқлик даъвоси" 2005 йил 27 июль

МУНОФИҚДАН ХАВФЛИ КИМСА ЙЎҚ

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

шериклари ҳам аслида сувга чўкаётган кишидек қайси хасга осилишларини билмасдан юрибдилар. Уларнинг сўзларини эшитган мусулмончиликдан хабари бўлган киши улардан бир бурда нонни, қора чақасини ҳам аяйди, "бу кунингдан баттар бўл" деб тескари қараб ўтиши турган гап. Ёшлик ҳам ўтар, қўлга таёқ тушадиган, бош ёстиққа етадиган кунлар ҳам келар. Ўшанда бу вайсақиларнинг аҳволи не кечаркин?

Донолардан бири: "Инсоний фазилатларга бегона бўлган, яъни халқ тақдирига, яқин кишиларига мунофиқлик қилган одамдан хавфлироқ кимса йўқ" деган экан. "Озодлик" бошловчиси Шайбон, "Озод овоз" ташкилоти раҳбари деб таништирилган Бобомурод Абдуллаев, мустақил кузатувчи (мустақил бузғунчи деган маъқулроқмикан?!) Алимардон Аннаевлардек ўз Ватанига, элига, қариндош-уруғларига, дўсту ёрларига (агар улар бўлса) бевафолик қилаётган, таъна тошларини отаётган "сиёсатдон"ларга қарата айтилган бўлса керак, бу гап. Мақола муаллифи уларга қарата: "Юртни, халқни, миллатни ҳақорат қилиш ортидан кун кўргунча, ҳар бало бўл-эй, дегинг келади" деб хитоб қилади. Бу биргина мақола муаллифининг эмас, борки ўзбекнинг қилбидан отилиб чиқаётган лаънатдир. Мен маҳалла оқсоқоли сифатида бир нарсага ҳайронман. Халқнинг, миллатнинг юзини ерга қаратаман деб "жон куйдириб дўмбира чалаётган" шу кимсалар ҳам Ўзбекистоннинг қайсидир маҳалласида истиқомат қилишадими? Тўйларда, давраларда ўтириб кўпчилик билан ошга қўл узатадими? Таъзияларда тобут кўтариб элнинг қайғу-аламига шерик бўладими? Ишонмайман, бунақаларда на бет, на ор-номус бўлишига. Улар ота-оналари, қариндош-уруғлари бу дунёни тарк этганда (бу ҳар бир инсон бошида бор) шу маҳалладагилар тобуткашлик қилишадими ёки уларни мардикор ёллаб мозорга олиб боришадими?

Т.Йўлдошев "Ҳозирги пайтда дунёда энг оғир шароитда, қашшоқликда яшаётган икки халқ бор" деб уларнинг бири сифатида ўзбекни тилга олибди. Бу ёлғончи наҳотки ўзбекнинг карнай-сурнай садолари остида ўтадиган тўю тантаналаридан, кўзни қувонтирадиган дастурхонидан бехабар бўлса! (Аслида сефайз дастурхонимизга бу шайтонларнинг аралашмагани маъқул).

Яна бир гап: "Озодлик"ка ҳамма муштоқ, уни қишлоқларда барча эшитар эмиш. Мақолани маҳалладаги фаоллар билан бирга ўқидик. Кўпчилик "Озодлик" деган радиостанция борлигидан ҳам хабарсиз. Ёлғон ҳам эви билан-да, баччағар!

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг: "Биз қандайдир бечора, кимнингдир етаклашига муҳтож бўлган давлат ёки халқ эмасмиз. Биз кўҳна ва бетакрор тарихга эга бўлган, дунёни ҳайратга солган улуғ мутафаккир ва саркардаларнинг ворисларимиз ва буюк давлат қуришга бел боғлаган халқмиз" деган сўзлари халқимиз қалбидан мустаҳкам ўрин олган. Жуссасида саркарда Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Алишер Навоий, Ибн Сино... қони жўш уриб турган халқнинг ўз йўли, ўз тутуми, ўз Юртбошиси бор. Улуғ халқни Яратганнинг ўзи қўллаб-қувватлаб турибди. Вайсақилар эса вайсаб қолаверади.

Абдуқодир АБДУЛЛАЕВ,
Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги Наврўз маҳалласи фуқаролар йиғини раиси.

РАЗОЛАТ БОТҚОҒИГА БОТГАНЛАР...

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Энди масалага ҳуқуқий жиҳатдан ёндашайлик. Айтайлик, бир одам иккинчи одамни жамоат олдида ҳақорат қилди. Шунда ҳақоратланган одам нима қилади? Албатта бу ҳақда тегишли органларга тегишли тарзда мурожаат қилади. Хўш, неча минг йиллик тарихга эга, алломаю даҳо олимларни, саркардаларни етиштирган миллат шаънини радио тўлқини орқали оёқости қилишга журъат этганларни нима учун жазога тортмаслик керак? Улар ўз бўҳтонлари, туҳматлари ва ҳақоратлари учун суд олдида жавоб берсинлар! Яхши ҳам "Озодлик" радиосини ҳамма ўзбек хонадонларида эшитмайдилар. Уларнинг барча қишлоқ аҳолиси "Озодлик"ни эшитади... дегани ҳам ёлғон. "Озодлик"ни эшитиб бошқаларга жар соладиганлар бор холос. Менимча, уларнинг айблари ўз бўйниларида: ўзбек халқини минбардан туриб ҳақоратладилар, сўзлаганлари ҳам ғирт ёлғон. Т.Йўлдошевнинг "Ҳозирги пайтда дунёда энг оғир шароитда, қашшоқликда яшаётган иккита халқ бор. Бу ўзбек ва шимолий Корея халқларидир..." деган гаплари қай даражада асосли? Ҳозир мактаб ўқувчиси ҳам дунёда энг ҳоли хароб мамлакатлар манзилини яхши билади. Дунёда кўп йиллик урушлар, қурғоқчилик ёки сув тошқинлари оқибатида аҳолиси оч-наҳор яшаётган халқ хўжалиги, ишлаб чиқариши таназзулга юз тутган мамлакатлар бор. Қашшоқлик туфайли қорни тўйиб овқат емаган, очлик туфайли кўча-кўйда юриб кетаётиб жон таслим қилаётган одамлар ҳақида ойнаи жаҳон орқали хабардормиз. Бу мамлакатлар аҳолиси дунё ҳамжамиятидан мадад кутиб, ўзгалар ҳимматига қарам бўлиб яшамоқда. Ўзбеклар ҳали ҳеч кимга қарам бўлгани йўқ, бўлмайди ҳам! Хўш, уларнинг аҳволи билан Ўзбекистондаги турмуш даражаси ўртасида ер билан осмонча фарқ борлигини кўрмаслик учун киши қанчалик даражада фаҳмсиз бўлиши керак? Т.Йўлдошев бу бўҳтони билан эл-юртнинг ғазабига учради, холос.

Хуллас, ўша "Қурултой"да қилган пуч мияларнинг қилмишидан қалби ғазабга тўлган ўзбек бир мен эмаслигим кундек аниқ. Ўз миллатини қўй деган Б.Абдуллаевнинг ўзи қайси молхонада туғилиб, қайси молхонада яшаганки, ҳозиргача сўзидан инсонга хос бўлмаган ҳид анқиб турибди. "Халқимиз балиқ" деган А.Аннаевнинг ўзи бугун кимнинг қармоғига илинганини халқ билиб турибди: у "кузатувчи" ниқобидаги мухолифатнинг малайи.

Агар улар гўёки ўзларининг "миллат жонкуяри" эканликлари билан бошқа миллат вакиллари, дунё ҳамжамияти тарозусида "тош босмоқчи" бўлсалар, бу мақсадларига ҳам эришолмайдилар. Чунки миллат гурури деган тушунча дунёдаги ҳеч бир халққа бегона эмас. Демак, миллат тушунчасига бегона бўлмаган ҳар бир киши уларнинг бу хатти-ҳаракатларини миллатга хиёнат деб тушунганлар. Ва улар албатта ҳақдирлар. Ахир пуч мияларда хиёнат ва разолатдан бошқа нима ҳам бўлсин?!.

Азаматжон ЙЎЛДОШЕВ,
Фарғона вилояти Фарғона шаҳридаги Ўрмончилар маҳалласи оқсоқоли, "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳиби.

Тошкент вилояти

Р.ГАЛИЕВ олган сурат

Янгийўл туманидаги Ишчилар шаҳарчаси маҳалласи ҳудудида жойлашган айрим кўчалар носозлиги кўп йиллардан буён одамлар ва транспорт қатнови учун ноқулайликлар туғдириб келаётган эди. Маҳалла оқсоқоли Б.Абдураҳмонов Мустақиллигимизнинг 14 йиллик байрами олдидан ҳудудни ободонлаштириш ишига киришар экан, дастлаб ана шундай кўчаларни созлашга эътибор қаратмоқда.

СУРАТДА: *маҳалла кўчаларидан бирига асфальт ётқизилмоқда.*

Навоий вилояти

СОҒЛОМ ОИЛА — СОҒЛОМ АВЛОД КАФОЛАТИ

шу мавзудаги тадбирлар Конимех тумани маҳаллаларида ўтказилди

Ёлғиз кексалар, етим-есир, кам таъминланган ва кўп фарзандли оилаларга тиббий-ижтимоий ёрдам ва хайр-саховат кўрсатиш ишларини янада жонлантириш, инсонпарварлик, меҳр-шафқат ва сиҳат-саломатлик ғояларига ҳамоҳанг тарзда барча даражадаги давлат ташкилотлари билан ҳамкорликда аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламига ёрдам кўрсатиш бўйича Қизил ярим ой жамияти Конимех тумани бўлинмасида кўпгина ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

— Биз олиб борадиган барча ишларимизни маҳалла оқсоқоллари билан яқин ҳамкорликда ташкил этмоқдамиз, — дейди Қизил ярим ой жамияти туман бўлинмаси раиси О.Бўронова. — Масалан, яқинда Боймурод қишлоқ фуқаролар йиғинига фавқулодда ҳодисалар муносабати билан 2 млн. сўмлик дори-дармон ва ўқув-қуроллари ҳамда кийим-кечаклар бердик. Шунингдек, тумандаги Бирлик ва Дўстлик маҳаллаларида яшовчи 52 нафар кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатдик.

Бундан ташқари, коллежларда "Қувноқлар ва зукколар" беллашувини, маҳаллараро эса Сиҳат-саломатлик йилига бағишлаб "Соғлом бўлай десанг" деб номланган мусобақалар, "Соғлом оила — соғлом авлод кафолати" мавзусида қизиқарли ва фойдали суҳбатлар уюштирилмоқда.

Қизил ярим ой жамияти туман бўлинмаси маҳаллалар билан ҳамкорликда яна кўпгина савобли ишларни режалаштирган.

Менглибой МУРОДОВ

СУРАТДА: *Қизил ярим ой жамияти ходимлари.*

Олам турфа

ҚУРҚУВ ОҒРИҚНИ ҚОЛДИРАДИ

Майда кемирувчилар ўзларининг айртқич қушандасини кўриши билан дарҳол қўрқиб қочади ва ўзини панага олишини ҳамма биларди.

Худди шу пайтда уларда оғриқни сезмайдиган туйғу пайдо бўларкан. Канадалик олим Мартин Кавалье сичқон устида олиб борган тажрибалари натижалари шуни кўрсатдики, агар сичқон ҳид билиш органлари орқали сувсар ҳидини сезса, 15 дақиқа давомида оғриқ сезиш қобиляти йўқотаркан. Агар сувсар ҳиди унга яна таъсир этса, у ҳолди оғриқни сезмаслик 45 дақиқага чўзилади. Кавальенинг таъкидлашича, бундай хусусият одамда ҳам мавжуд экан.

ПАРАВОЗ БИЛАН РАҚОБАТЛАШАДИ

Гиннеснинг "Рекордлар китоби"га номи киркалиши мумкин бўлган жонзотлар ҳам кўп экан бу дунёда. Масалан, Катта Зонд ороллари да яшайдиган чирилдоқлар қироли.

Унинг катталиги 6,5 сантиметргача етаркан, қанотларининг узунлиги эса 18 сантиметр. Лекин Жанубий Америкада яшайдиган чирилдоқлар улардан ҳам ўтиб тушишаркан. Тўғри, у кичкина бироқ овоз чиқаришда паравоз билан рақобатлаша олади. Ҳатто айримлари паравоз хуштагидан ҳам кучлироқ чириллайди. Чигирткалар улар олдида ип эшолмай қоладилар.

Чирилдоқларнинг сайрашига тарихда ҳар ким ҳар хил муносабатда бўлган. Қадимги греклар уларнинг сайрашидан роҳатланса, римликлар умуман тоқат қилишолмаган.

М.ИСЛОМОВА тайёрлади.

"Футболимиз келажаги" турнири мусобақаларида

УЧКЎЗА — ФИНАЛДА

Жиззах шаҳар Халқ таълими бўлимига қарашли болалар ва ўсмирлар футбол мактаби ўйингоҳида "Футболимиз келажаги" турнирининг 13-14 ёшли ўсмирлар ўртасида зонал босқич мусобақалари якунланди.

Турнирнинг республика босқичи финал беллашувларида иштирок этиш ҳуқуқини берувчи "В" гуруҳи ғолиблиги учун кечган баҳсларда олтита вилоят ҳамда Тошкент шаҳрининг ғолиб жамоалари иштирок этдилар. Қизғин курашлар остида ўтган ўйинларда Андижон вилояти Пахтаобод туманидаги Учкўза маҳалласи футболчиларининг қўли баланд келди ва улар гуруҳ биринчилигини қўлга киритди. Мусобақа якунига кўра иккинчи ўрин жиззахликларга, учинчи ўрин эса пойтахт ёшларига насиб этди.

Энди зонал босқич ғолиби бўлган андижонлик ёш футболчилар жамоаси турнирнинг Термиз шаҳрида бўлиб ўтадиган финал босқичи баҳсларида майдонда тўп сурадиган бўлишди.

Пардабой ТОЖИБОЕВ

Қашқадарё вилояти

Ғузор туманидаги Янгикент маҳалласи фуқаролар йиғини ҳудудидаги Қўйли Жомуратов номли мактабнинг йиғилишлар залига ёш қиз-жувонлар, келинлар ва қайноналар тўпланишди.

КИМ ЯХШИ БЕКА?

Маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Роҳатой Ҳасанова ташаббуси билан ташкил этилган "Аёл борки, олам мунаввар" деб номланган мазкур тадбирда бир неча ўғил-қизларни, невараларни тарбиялаб вояга етказган, келинлари билан ҳамжиҳат яшаб келаётган ибратли оила бекалари — Ўрин Кенжаева, Бибиҳожархон Шодмонова ва Жамила Турдиевалар танишув, чақалоқ йўргаклаш, она алласи ва эркин мавзу шартлари бўйича беллашдилар. Дастлаб улар йиғилганларга ўзларининг босиб ўтган ҳаёт йўллари, меҳнат фаолиятлари, оилаларидаги тинч-тотув ҳаёт сирлари ҳақида батафсил сўзлаб бердилар. Шундан сўнг чақалоқни йўргаклаш борасида маҳоратларини намойиш қилдилар. Айниқса, улар томонидан айтилган она алласи барчани тўлқинлантириб юборди.

Беллашув якунига кўра тадбирнинг фаол қитнашчиси Жамила Турдиева 1-ўринга сазовор бўлди.

Саъдулла ЎЛЖАЕВ,
"Маҳалла" жамғармаси
Ғузор тумани бўлинмаси раиси

Мен — маҳалла оқсоқоли...

Фарғона вилояти

ОСОН ЭМАС, АММО ҚИЙИН ҲАМ ЭМАС

Тан олиш керак, бугун фуқаролар йиғинларига оқсоқоллик қилаётган инсонларнинг барчасини ҳам етарлича ташкилотчилик, талабчанлик қобилиятига эга деб бўлмайди. Орамизда эрта билан ишга келиб, одамларни қабул қилишу, ҳар хил маълумотномалар ёзиб беришдан нарига ўтмайдиган, ҳокимликка қачонки чақирилганда бориб, борганда ҳам йиғилишда қатнашиб ёки топшириқни олиб қайтадиганлар оз бўлса-да топилади.

Мен Сўх туманидаги Янгиариқ маҳалласига оқсоқол бўлиб сайланган кунимданоқ маҳаллада ечимини кутаётган муаммолар билан қизиқдим. Маҳалла маслаҳатчилари, фаоллар билан уларни ўрганиб чиқдик, бартараф этиш йўлларини ахтардик. Айни пайтда бу муаммоларни босқичма-босқич ҳал қилаяпмиз.

Дастлаб маҳалла учун тузук-қуруқ идора йўқ эди. Ёнгинамизда "Сўх" ширкат хўжалигига қарашли чойхона биноси ташландиқ ҳолда ётарди. Хўжалик раҳбарлари билан келишиб, бу бинони таъмирлаб, раис, котиб, маслаҳатчи, посбонлар сардори учун хоналар ташкил қилдик. Улар билан ёнма-ён маҳалла милиция таянч пункти, мажлислар зали, дам олиш хонаси, кутубхона учун ҳам жой қилинди.

Ўтган йилларда яна бир хайрли ишни бошладик. Маҳалламиздаги барча тадбиркорлар бошини қовуштириб, гузар қуришга киришдик. Бугунги кунда бу иш ҳам ниҳоясига етган. Марказий кўчамиз бўйида ҳамма қулайликларга эга бўлган шинам гузар ишлаб турибди.

Икки-уч йил ичида амалга оширган ишларимиздан яна бири марказий кўча кираверишига рамзий дарвоза қурилгани бўлди. Вилоят ва туман ҳокимликлари ёрдамида кўпдан буён ишламай турган пойафзал фабрикаси биноси қайта таъмирланиб ва мослаштирилиб, унинг базасида коллеж очилди. Ҳозирги кунда бу масканда бешта мутахассислик йўналиши бўйича ёшлар ўқитилаяпти.

Ҳудудимизда нефть маҳсулотлари сақланадиган омбор ташкил қилинди ва у бугунги кунда фаолият кўрсатмоқда.

Маҳалламизда электр, газ ва сув муаммоси ҳам ҳал қилинган. Улардан фойдаланганлиги учун тўловлар аҳоли томонидан ўз вақтида тўлаб бориляпти.

Юқоридаги ишларни амалга оширишда бизга маҳалламиздаги тадбиркор ва фермерлар яқиндан ёрдам бермоқдалар.

2-,22-мактаблар, қишлоқ врачлик пункти бинолари тўлиқ таъмирланди. Янгидан болалар боғчаси қурилди. 200 та хонадонга телефон тармоғини ўрнатиш бошланди.

Сиҳат-саломатлик йили муносабати билан "Маҳалламизни санитария маданияти юксак маҳаллага айлантирамиз" шиори ўртага ташланган эди. Шу муносабат билан йил бошиданоқ барча кўчалар, хиёбонлар ва ариқлар тозаланди. Йўллар четларидаги мавжуд тераклар ва бошқа дарахтлар шохлари буталиб, шакл берилди ҳамда оқланди. Йўл бўйлари ва алоҳида майдонларга янгидан 7 минг тупга яқин кўчатлар ўтказилди.

Маҳалламизда ёшларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаяпти. Коллеж ва мактаблардан ташқари алоҳида спорт ўйингоҳимиз бор. "Ситора" номли футбол жамоамиз туман миқёсида ўтказиладиган мусобақаларда доимо биринчиликни эгаллаб келади.

Режалаштирган ишларимиз ҳали жуда кўп. Маҳалламиз аҳли ва фаолларига таянган ҳолда бу ишларни ҳам албатта амалга оширамиз.

Раҳимберди МАВЛОНОВ,
Сўх туманидаги Янгиариқ маҳалласи фуқаролар йиғини раиси.

РИХСИТИЛЛА ЖЎРАЕВИЧ АКРОМОВ

Ўзи меҳнати билан жамиятимиз ривожига, халқимиз фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиб, дўст-биродарлари, яқинларига ҳамфикр, ҳамдард бўлиб келаётган Рихситилла Жўраевич Акромов оғир бетобликдан сўнг оламдан ўтди. Бешафқат ўлим уни юртимизнинг ўзига хос тизими — маҳаллалар фаолияти ривожига ҳисса қўшиб фаолият кўрсатаётган, яъни, Тошкент шаҳар Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси сифатида меҳнат қилаётган бир пайтда орамиздан олиб кетди.

Р.Ж.Акромов 1942 йилда Тошкент шаҳрида дунёга келган эди. У Тошкент Давлат Университетининг журналистика факультетини тугатиб матбуот ходими, туман, вилоят ёшлар ташкилотларида масъул ходим, ҳарбий хизматчи бўлиб фаолият кўрсатди. 1997 йилдан бошлаб эса Тошкент шаҳар ҳокими маҳкамасида маслаҳатчи, котибият мудири, ҳоким ўринбосари лавозимларида меҳнат қилди. 2002 йилда эса Тошкент шаҳар Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси шаҳар бўлими раиси этиб сайланди.

Р.Ж.Акромов бутун умри, меҳнат фаолияти давомида элу юртга, барча юртдошларига садоқат руҳи билан яшади, меҳнат қилди.

Шунингдек, умрининг сўнгги дамларигача "Маҳалла" жамғармаси тизимида пойтахтимиз истиқболи, хусусан, унинг аҳолисининг ҳаёт тарзи ривожи учун ўз кучини, билимини, ҳаётий тажрибасини аямади. Афсуски, бевақт ўлим уни шундай қайноқ меҳнат сурурига ҳам нуқта қўйди. Унинг самарали меҳнати доимо муносиб баҳоланиб келинди. Жумладан, у мамлакатимиз Президентининг Фахрий Ёрлиғи билан тақдирланган эди.

Р.Ж.Акромов бугун жисман орамизда йўқ. Аммо унинг умри давомида қилган барча хайрли ишлари, хотираси уни билган юртдошлари қалбида доимо сақланиб қолажак.

БИР ГУРУҲ ДЎСТЛАРИ.

Раис шижоати

Сурхондарё вилояти

БЕҒАМ АКА ЭЛ ҒАМИДА БЕҒАМ ЭМАС

Шўрчи туманида улуғ мутафаккир Алишер Навоий номи билан аталадиган маҳалла бор. У туман марказининг қарийб ўндан бир қисмини ташкил этади. Аҳолиси икки минг етти юздан ортиқроқ. Туманда ўтказиладиган "Энг намунали маҳалла", "Энг обод ва кўркам маҳалла" кўрик-танловларининг ғолиби ҳам ана шу маҳалла. "Ораста хонадон", "Ибратли оила" кўрик-танловида ҳам маҳалланинг бир эмас, тўрт хонадон аҳли ғолиб бўлган.

Беғам ака Ражабовнинг маҳаллага оқсоқол этиб сайланганига саккиз йилдан ошди. Унда бўш вақт кам бўлади. Ҳар доим одамлар ташвиши билан банд. Хайрли ишлар йўлида елиб-югуради. Ана шу мақсадда изланади, чоралар қидиради. Маҳаллани ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди. Ундан учта лойиҳа ўрин олди. Биринчисида тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжни қондириш назарда тутилди. Бу ишга маҳалла аҳли ҳам бош қўшди. Дастлаб фуқаролардан икки миллион сўм маблағ йиғилди. Уч миллион сўмдан ортиқроқ пул ҳамкорлар чекига тушди.

Артезан қудуқни пармалаш жадал суратларда олиб борилди. Хонадонларга қувурлар тортилди. Қўшни Бўстон маҳалласи ҳам ана шу қудуқдан сув оладиган бўлди. Иш олти ойда якун топди. Ер қаъридан отилиб чиққан зилол сув етти юздан ортиқ киши истиқомат қиладиган хонадонларга кириб борди. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш иши яна давом эттирилди. Тумандаги тери-таносил касалликлари шифохонаси ҳудудидаги артезан қудуқ бир неча йилдан буён ишламай ётарди. Қудуқ қайта пармаланди. Алишер Навоий номли маҳалла баробарида Кўклам, Бўстон маҳаллалари аҳолиси ҳам шу қудуқдан сув ичарди. Уч миллион сўмдан ортиқроқ маблағ сарфлаб артезан қудуғи ишга туширилди. Мингдан ортиқ одамлар хонадонига тоза сув етиб борди. Беғам ака Ражабов ташаббуси билан маҳалла йиғини учун олти хонадан иборат кўркам бино барпо этилди. Ўсмир-ёшлар билан тарбиявий ишлар олиб бориш учун хона ажратилди. Телевизор, радио таъмирлаш устахонаси, сартарошхона, Халқ банкининг шахобчаси, тикиш-бичиш корхонаси ҳам ана шу бинодан ўрин олди. Ишга жалб этилган ўн беш нафар ҳунарманд-усталарнинг хизматидан ҳамма хурсанд.

Маҳалланинг ободончилиги раиснинг диққат марказида. Беғам акага Ўктам Янгибоев, Исмоил Намозов, Саъдуллахон Рашидов, Суюн Мавлонов сингари ҳаммати баланд ишбилармонлар мададкор. Ана шундай ҳамкорлик натижасида Амир Темур номидаги кўчанинг А.Навоий номли маҳалла ҳудудидаги қисмида йўлакча барпо этиляпти. Минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

Маҳалла ҳудудидан катта канал оқиб ўтади. Аммо хўжаликлардаги мавжуд томорқа ерларини суғориш учун оқар сув муаммо эди. Бунинг ҳам чораси топилди. Ҳомийларнинг кўмаги туфайли каналга мотор ўрнатилгач, ариқ тўлиб сув оқди.

Беғам ака ҳали бардам ва бақувват. Ҳамон ёшларга хос ғайрат-шажоат билан меҳнат қилаяпти. У забт этган сўқмоқдан қайрилиб ортига қараганда, эли, юрти учун қилган фидокорона меҳнатлари натижаси салмоқдор эканлигидан беғубор қалби ғурурга тўлади.

Омон ШУКУРОВ,
"Mahalla" мухбири.

Совлом рақобат

Андижон вилояти

ТИБДА ҲАМ ТАДБИР КЕРАК

Республика Президентининг шу йил 14 июндаги "Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишларни амалга оширишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармонлари халқимиз, тадбиркорларимиз томонидан катта мамнуният билан кутиб олинди.

Бу ҳужжатлар мамлакатимизда тадбиркорлик ҳаракатининг янада кенг қулоч ёйишига, кичик бизнесни ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни олиб ташлашга ёрдам беради.

Қўрғонтепа шаҳридаги Шаҳрихонсой маҳалласи фуқаролар йиғинида тадбиркорлик билан шуғулланаётган Санобархон Мирзакаримовани эндиликда маҳалладошларигина эмас, бутун туман, ҳатто қўшни туманларнинг аҳолиси ҳам яхши биладилар. Сабаби ишни оддийгина аёллар маслаҳатхонаси ташкил этишдан бошлаган тадбиркор бугунги кунга келиб халқ саломатлигини сақлаш борасида қатор муваффақиятларни қўлга киритмоқда.

...Туман марказий шифохонасида акушер-гинеколог бўлиб ишлайдиган Санобархон аёллар ўртасида турли хил касалликларнинг тобора кўпайиб бораётганлигини шифокор сифатида изтироб билан ҳис қиларди. Бу касалликларга барҳам беришнинг ягона йўли уларни келтириб чиқараётган омилларни аниқлаш ва уларга қарши курашни ташкил этишдан иборат эди. Мамлакатимизда тадбиркорликка катта эътибор берила бошлагач, Санобархон ўзини тиббиётнинг шу соҳасида синаб кўришга аҳд қилди.

Албатта, олий тоифали шифокорнинг ўттиз йиллик меҳнат тажрибаси ҳам бунинг учун катта пойдевор бўлиб хизмат қила оларди. Турмуш ўртоғи — туман электр тармоқлари корхонасининг муҳандиси Эгамберди ҳам унинг таклифини маъқуллади. Энг аввало аёллар маслаҳатхонаси учун бино зарур эди. Бу масалада Эгамберди унга ёрдам берди. Ўзлари яшаётган ҳовлининг кираверишига қатор қилиб хоналар қуришди. Кейин электр токи билан даволаш муолажалари учун зарур бўлган ускуналар сотиб олишди. Санобархоннинг ўзи ҳар куни тушликкача хотин-қизларни қабул қилар, жиддий текширишлардан кейингина уларга ташхис қўйиб, қишлоқ врачлик пунктларига даволаниш учун юборарди. Беморлар орасида касалликни анча ўтказиб келганларини ўзи даволарди.

Мана шунга ҳам етти йилдан кўпроқ вақт ўтибди. Бу орада юзлаб аёллар Санобархоннинг қўлидан шифо топишди. Бироқ бу билан унинг кўнгли ҳеч хотиржам бўлмасди. Чунки у касалларни даволаш эмас, касалликни келтириб чиқарган омилларни аниқлаш ва уларни йўқ қилишга бел боғлаганди. Аёлларнинг хасталиклари бўйича бутун дунё тиббиёт ходимлари эришаётган ютуқларни синчиклаб ўрганиб борар, уларни қишлоқ шароитида қўллашга ҳаракат қиларди.

— Бир журналда Москва Давлат университети олимлари томир уришига қараб касалликларни аниқлайдиган асбоб яратганликлари ҳақида ўқиб қолдиму тинчим йўқолди, — дейди Санобар опа. — Чунки бу менинг кўп йиллик орзуим эди. Москва Давлат университети олимлари мени кувонч билан кутиб олдилар ва ўзлари яратган асбобдан бирини менга беришди. Ҳозир бутун изланишларим ва фаолиятим шу билан боғлиқ.

Инсон танасининг турли жойларига қўйилган датчик томир уришининг давомийлигини компьютерга етказиб беради, у ана шу зарбаларнинг сонига қараб организмдаги хасталиклар ҳақида маълумот беради. Ана шу маълумотлар асосида хасталикни даволаш йўллари ва зарур бўлган дори-дармонлар белгиланади. Бу кўплаб лаборатория анализлари, текширишларга ҳожат қолмаганлигидан далолат.

— Мен бир неча йиллардан бери буйрак хасталигидан қийналардим, — дейди шу ерда даволанаётган Нўъмонжон Абдуқодиров. — Санобар опа компьютер ёрдамида аниқ ташхис қўйди, ҳозир даволанишни бошладим, бир-икки кундаёқ ўзгаришларни аниқ ҳис қиляпман. Бунинг учун тадбиркор-шифокорга раҳмат айтаман.

— Турмушга чиқиб, анча йиллар фарзанд кўрмадик, — дейди Моҳирахон Шаханова. — Ҳатто оиламиз бузилиб кетиш даражасига бориб қолди. Минг марта раҳмат, Санобар опамизга, мени даволаб, бир эмас, икки фарзандлик бўлишимга сабабчи бўлди.

Ҳа, одамлар дардига малҳам бўлиш истагида тадбиркорликка қўл урган оддий қишлоқ шифокорининг эришган ютуқларидан ибрат олса арзийди. Юртбошимиз яқинда имзолаган фармонларда ҳам халқ турмушини фаровон этишга кўмаклашаётган, одамларнинг оғирини енгил қилаётган ана шундай тадбиркор ва ташаббускор инсонларни қўллаб-қувватлаш кўзда тутилганидан яна бир бор мамнунлик ҳиссини туямиз шунда.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Манбаларда юртимиз ўтмиши

"ТУРКИСТОН ТЎПЛАМИ"да ПОЙТАХТ ТАРИХИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий Кутубхонасининг "Нодир китоблар ва шарқ қўлёзма асарлари" бўлимида жуда эҳтиёткорлик билан сақланиб келинаётган ва кўп сонли тадқиқотчилар ва олимларнинг эътиборини ўзига жалб этадиган халқаро тарихий ва илмий аҳамиятга молик бўлган "Туркистон тўплами" сақланади. 1867-1916 йилларда чоп этилган бу тўплам 594 жилддан иборат бўлиб, ундан маълумотларни журнал ва газеталардан олинган тарихий материаллар ташкил этади.

Тўпламида рус, инглиз, француз, немис, испан, итальян, лотин ва араб тилларида чиқарилган газета ва журналлардан олинган илмий мақолалар ҳамда қизиқарли ва қимматли маълумотлар жамланган.

"Туркистон тўплами"да Тошкент шаҳри ва унинг ўтмиш тарихига доир кўплаб материалларни учратасиз. Жумладан, тўпламдан XIX асрнинг 60-йилларидан тортиб то XX асрнинг 17-йилларигача бўлган даврда ёзилган тарихий материаллар ўрин олган. Хусусан, Тошкентнинг географик жойлашуви, унинг мустаҳкам мудофаа девори, 12 дарвозаси ва унинг номланиши, Ўрда ва унинг тузилиши, жойлашиши, 1866 йилда Тошкент шаҳрида 64 минг 416 киши яшаганлиги, турар-жойлар сони 9483 та бўлганлиги кўрсатилган. Орадан кўп ўтмай, шаҳар истилосидан кейин шаҳарнинг кенгайиши, турар-жойларнинг ортиши натижасида, аҳоли сони 100 мингдан ошганлиги ҳам кўрсатилган. Шунингдек, шаҳар 4 даҳага, қисмга бўлинганлиги, ундаги ҳовли-жойлар, маҳаллалар аҳолисининг машғулоти, уй-жойларнинг тузилиши, шаҳар ичи ва ташқарисидаги боғу роғлар, тарихий-меъморий обидалар, қабристонлар, суғориш иншоотлари хусусида китобда батафсил сўз юритиган. Жумладан, тўпламда шаҳарнинг тўрт даҳаси ҳақида қуйидаги маълумотлар учрайди.

Бешёғоч даҳасида 1870 йил маълумотларига кўра 32 та маҳалла, 1400 та уй-жой, 3 та мадраса, 68 та масжид бўлган, аҳолиси 12 минг 450 нафарни ташкил этиб, улар бинокорлик, ғишт тайёрлаш, савдо, ҳунармандчилик, боғдорчилик билан машғул бўлганлар.

Кўкча даҳасида 31 та маҳалла, 2511 та уй-жой, 51 та масжид, 2 та мадраса, 34 та мактаб, 18 та қабристон, 695 та кўнчилик устахонаси, 341 та чармгарлик устахонаси, 218 та пойабзал устахонаси, 6 та ғишт заводи, 7 та кулолчилик, 22 та тегирмон ва бошқа ҳунармандчилик корхоналари бўлган. 2088 нафардан иборат даҳа аҳолисининг кўпчилиги деҳқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланиб келганлар.

Себзор даҳасида 38 та маҳалла, уйлар сони 2230 та, аҳолиси 18 минг 650 киши, 3 та мадраса, 10 та катта-кичик масжид, шунингдек, ҳунармандчилик устахоналари бўлган.

Шайхонтоҳур даҳасида 48 та маҳалла, 60 та масжид, 3 та мадраса, 10 та мактаб бўлган. Даҳанинг аҳолиси 10 минг 194 киши бўлган. 1870 йилги маълумот бўйича даҳада 567 та тўқувчилик, 3 та заргарлик, 60 та дурадгорлик, 4 та мисгарлик, 18 та эгарсозлик, 6 та дегрезлик, 3 та бўёқчилик ва бошқа ҳунармандчилик корхоналари фаолият кўрсатган. Даҳада 653 таноб ерда боғдорчилик йўлга қўйилган, 1896 таноб ерга шоли экилган. Шайхонтоҳурлик ҳунармандларнинг маҳсулотлари сифатли бўлган, жаҳон кўргазмаларида юқори баҳоланган.

Тарихий бинолар, яъни масжид ва мадрасалар хусусида тўхталадиган бўлсак, шаҳарда 300 дан ортиқ масжид, 17 та мадраса ва бир нечта мақбаралар бўлган. Бу мадрасалар қачон ва ким томонидан қурилгани, нечта ҳужраси ва ўқувчиси бўлганлиги, мадрасалар шаҳарнинг қайси ҳудудида жойлашганлиги ҳақида аниқ маълумотлар берилган.

Тошкентнинг савдо-сотиқ ишлари ҳам ушбу "Туркистон тўплами"да рақамлар асосида ёритилган: Эски шаҳар бозорида 29 та карвонсарой бўлиб, улар кимларга қарашли, уларда нималар кўпроқ бўлганлиги ва қаерлардан олиб келинганлиги, дўконларнинг сони, улар молига қараб алоҳида жойлаштирилганлиги кўрсатилган. Шунингдек, Эски шаҳар бозор майдонларида қанча дўкон жойлашган (улар беш мингга яқин) ва бу ерда қандай товар сотилган, бу ҳақда ҳам қимматли маълумотлар мавжуд.

Тошкентга ҳар куни юзлаб-минглаб савдо карвонлари келиб кетган. Масалан, 1874 йили Тошкент карвонсаройларига турли товарлар билан Оренбургдан 6465 та, Троицкдан 6551 та, Петроповловскдан 1725 та, Сирдарёдан 8627 та, Еттисувдан 1119 та, Зарафшон округидан 1832 та, Қўқондан 11638 та, Бухородан 727 та, Қашғардан 51 та, Ғулжадан 18 та, ҳаммаси бўлиб йил давомида 38762 туяда, 1473 та отда, 1422 та аравада юк келтирилган.

XIX асрнинг 64-65-йилларида Бухородан Тошкентга ҳар йили 100 минг, Қирғизистондан 200 минг, Қўқондан 100 мингга яқин карвонлар келган.

Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган Юнусхон мақбарасининг қадимдаги кўриниши.

Шундай қилиб, Тошкентнинг йиллик савдо айланмаси 10 миллион сўмни ташкил этган. Тарихий "Туркистон тўплами"да Қўқон хонлиги тарихи, Шаҳар тарихи, Мудофаа девори ва 12 дарвозаси, шаҳар маҳаллалари, аҳолиси, турмуш тарзи, хўжалиги, ҳунармандчилик ва савдоси, тарихий обидалари, масжид ва мадрасалари, карвонсаройлари, савдо иншоотлари, хонликнинг Чор Россияси томонидан истило қилиниши, хонликнинг тугатилиши ва бошқа муҳим маълумотлар жойлашган.

Шунингдек, ушбу тўпламда Хива хонлиги ҳақида ҳам қимматли маълумотлар берилган. Бухоро ҳақида эса кенг ёритилган. Самарқанд, Шаҳрисабз, Қарши, Термиз ҳақидаги маълумотлар, айниқса муҳимдир.

Хулоса қилиб айтганда, "Туркистон тўплами" батафсил ўрганишга арзийдиган, катта бир тарихий-илмий китоб ҳамда маънавиятимизнинг ўлмас хазинасидир.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

Тошкент шаҳри

Шайхонтоҳур тумани ҳокимилигида фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлаш борасида туман Ички ишлар бўлими, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва маҳалла посбонлари томонидан амалга оширилаётган амалий ишларга бағишлаб йиғилиш ўтказилди.

ХАВФСИЗЛИККА ҲАМКОРЛИК БИЛАН

Йиғилишда туман ИИБ профилактика инспекторлари, маҳаллалар оқсоқоллари ва маҳалла посбони сардорлари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар туманда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, вояга етмаган ўсмир-ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишни ташкиллаштиришда маҳалла фаоллари ҳамда милиция таянч пункти профилактика инспекторларининг ўрин хусусида гапирдилар.

— Бу борада фуқаролар йиғинлари ва милиция таянч пунктлари ходимларининг ўзаро ҳамкорликда олиб бораётган ишлари ўзининг ижобий натижасини бераяпти, — дейди туман "Посбон" маркази раиси Жуманазар Жонибеков. — Хусусан, туманда жиноятчиликка қарши олиб борилаётган ишларнинг самарасини алоҳида эътироф этишни жоиз деб биламан. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими томонидан ўтказилаётган мониторинг натижасига кўра, "Энг яхши маҳалла фуқаролар йиғини" ва "Энг яхши милиция таянч пункти" деб тумандаги Ёқуб Зиёев номли маҳалла фуқаролар йиғини ва милиция таянч пункти топилди. Бугунги тадбирда маҳалла "Камолот" ёшлар ижтиоий ҳаракати туман бўлимининг соврини билан тақдирланди.

Шунингдек, тадбирда Мустақиллигимизнинг 14 йиллигини нишонлаш кунларида туманда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш бўйича қилиниши лозим бўлган тадбирлар ҳам белгилаб олинди.

Ш. УМАРҲЎЖАЕВА,
"Камолот" ёшлар ижтиоий ҳаракати Шайхонтоҳур тумани бўлими қошидаги "Маҳалла умидлари" маркази раиси.

МАҲАЛЛАДА "ЁШЛАР МАРКАЗИ"

Унинг фаолияти самараси қандай бўлаяпти?

2001 йилнинг 30 июлида Сергели туманида Ш. Бурҳонов номли маҳалла ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида "Ёшлар маркази" ташкил этилган эди. Марказнинг асосий мақсади маҳалла ёшларининг маърифий, маънавий, ахлоқий онгини ривожалантиришга ҳисса қўшиш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишдан иборат эди.

Ўтган тўрт йил давомида ушбу марказ қошида янги кутубхона очилди. Ушбу кутубхона айни кунларда ҳам маҳалла ёшлари учун беминнат хизмат қилиб келмоқда. "Камалак" болалар ташкилоти билан ҳамкорликда бир неча лойиҳалар ва турли хил спорт ўйинлари, давра суҳбатлари, долзарб мавзулардаги семинарлар ташкил этилди.

"Ёшлар маркази" қошида "Келажак юлдузи" номида болалар ашула ва рақс гуруҳи ҳам мазмунли фаолият олиб бормоқда. Ушбу гуруҳ республикамизда бўлиб ўтаётган турли мусиқа байрамларида фаол иштирок этиб келади.

Марказда "Уста-шогирд" ҳунармандчилик тўгараги ҳам ташкил этилган. Тўгарак қатнашчиларининг ижод намуналари туман, шаҳар, республика миқиёсида ўтказилаётган "Ёш усталар" кўрик-танловида иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллашмоқда.

Р. ҲАКИМОВ,
"Камолот" ЁИҲ Тошкент шаҳар кенгаши Матбуот бўлими сардори.

Қашқадарё вилояти

МАҲАЛЛА КУНИ

Яқинда вилоят марказида Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги ҳамда Мустақиллигимизнинг 14 йиллигига бағишлаб Маҳаллалар куни тадбири ташкил этилди.

"Маҳалла — ватан ичра ватан" деб номланган ушбу тадбирда шаҳардаги Арал, Батош, Арабхона, Шайхали, Боғишамол маҳаллалари фаол иштирок этишди.

Тадбир давомида маҳалла вакиллари ўз маҳалласининг тарихи, урф-одатлари, маданияти билан боғлиқ театрлашган томошаларни намойиш этишди.

Арал ва Батош маҳалласи вакилларининг чиқишлари томошабинларда ўзгача таассурот қолдирди.

Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Янги рисола

«ЮРАГИМДА БОРИНИ АЙТДИМ...»

мухбиримизнинг яқинда нашрдан чиққан китоби шундай номланди

Менглибой Муродов нафақат газетамизнинг Навоий вилояти бўйича мухбири, балки кўп йиллардан бери ижод қилиб келаётган шоир сифатида ҳам шеърият мухлисларига яхши таниш. Унинг «Меҳр», «Хосиятли кун», «Дийдор» каби тўпламлари чоп этилган.



Яқинда эса М.Муродовнинг янги — "Юрагимда борин айтдим..." деб номланган китоби нашрдан чиқди. Унда ижодкорнинг сўнгги йиллардаги ижоди маҳсули — шеърлар, достонлар, ҳикоятлар жамланган. Ватанга меҳр ва садоқат, чин инсоний туйғулар ижодкор томонидан самимий тарзда тараннум этилган.

ЭЪЛОНЛАР

Информация о намерении пакета акций 15 % от уставного фонда.

Инвестор: Ан Зоя

Эмитент и его адрес: ОАО "OSIYO-FOOD" г. Ташкент Учтепинский район массив Чилонзор квартал 26.

Тип приобретаемых акций: акция простая именная безналичная.

Количество акций, которые намерен приобрести инвестор - 10341 штук, что составляет 32,5 процент от уставного фонда.

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 24-ўрта мактаб томонидан 2005 йил 25 июньда Уразов Азамат Хасанович номига берилган O'R—SH 0202208 рақамли атесстат йўқолганлиги сабабли **бекор ҳисобланади.**

И.П."Благотворительная фирма ДЖЕДЖА" зарегистрированная в Хамзинском районе г. Ташкента (ОКПО 16311601, ОКОНХ 98600) ликвидируется. Претензии принимаются в течении 2-х месяца по телефону 137-29-64.

УП "GO'SHTSUTQISHLOQHO'JALIGIMAHSUIOTLARTA'MINOTI", зарегистрированный в Юкори Чирчикского района, Ташкентский области реорганизуются на ООО "TAVOBAT OLAMI". Претензии принимаются со дня опубликования объявлении по адресу: г.Ташкент, С.Рахимовский район, улица: Кичик халка йули, д.3. Тел: 398-21-22

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви Тошкент шаҳри Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси шаҳар бўлими раиси

Рихситилла Жўраевич АКРОМОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

"Маҳалла" жамғармаси Яккасарой тумани бўлинмаси Конституция маҳалласи оқсоқоли Комилжон Муҳаммадиёровга онаси

СОНИЯ аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

МУНАЖЖИМЛАР ТАВСИРИ

КЎЙ (21.03-21.04)
Таваккал ишлар ва осон эришиладиган ютуқлардан йироқроқ бўлсангиз, турли нохушликларнинг олдини оласиз.

СИГИР(22.04-20.05)
Кўчмас мулк билан боғлиқ масалалар муҳокамасини кейинга қолирсангиз яхши натижаларга эришишингиз мумкин.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Сиз учун янги бўлган турли маълумотларни яхшилаб текшириб чиқсангиз, ноқулай аҳволга тушиб қолишдан сақланасиз.

КИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)
Яқин кунларнинг сиз учун қай тарзда кечиши қай даражада ишбилармонлигингиз ва уддабуронлигингизга боғлиқ бўлади.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Ўзингизга танқид кўзи билан қаролмаслигингиз ҳафта давомида салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Ўз буржингизга мансуб бўлган кишиларга "устоз"лик қилишдан сақланинг, бошингиз ғалвага қолмайди.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Орзу қилиш яхши, лекин уни рўёбга чиқариш учун озмунча тер тўкилмаслигини ҳам унутманг.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Яқин кунларда жиддий хатоликларга йўл қўйишни истамасангиз сиз учун муҳим ва зурур бўлган ишларга қўл урмаганингиз маъқул.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Айни кунларда саёҳат ёки сафарга отланган бўлсангиз, бу тадбирга ҳар ёқлама тадорик кўришни асло унутманг.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Шу кунлар давомида турли синовлардан ўтишингизга тўғри келади. Бу борада совуққонлик иш тутсангиз ўмм учун яхши.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Шу кунларда ўтадиган музокараларда ҳамкорларингиз ишончини қозонган ҳолдагина ўз таклифларингизни "ишга қўшинг".

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Айни кунларда саломатлигингиз билан боғлиқ муаммолар қуршовида қолишингиз мумкин. Унутманг, руҳиятни туширмаслик ҳар қандай муолажадан устундир.

ЁЗНИНГ ЁЗИЛГАН ВА ЁЗИЛМАГАН ҚОИДАЛАРИ

Ҳозир айни саратон пайти. Бундай жазирама кунларда сувда чўмилиб, офтобда қорайиб дам олиш қандай яхши. Лекин ҳаддан ташқари кўп вақт қуёшда бўлиш киши учун зararлидир. Унинг ўткир нури баданни қиздириб, терини куйдириши, бунинг натижасида эса иссиқ элитиши ва офтоб уриши мумкин. Айниқса, камқувват, мадорсиз бўлган, юрактомир, тиреотоксикоз касаллиги бор ва семиз кишилар офтоб нурининг таъсиридан эҳтиёт бўлишлари керак. Болалар ва кексалар эса офтоб нурида озгина вақт бўлсалар кифоя.

Ёзнинг иссиқ кунларида узоқ чўмилиш, офтобда қорайиш натижасида кишининг бадани қизиб, иссиқ элитиб қўйиши мумкин. Бунга ҳавонинг иссиқ ва намлигигина эмас, балки ҳаво ўтказмайдиган кийим, жисмоний толиқиш, кўп ичкилик ичиш ва ортиқча овқат ейиш ҳам сабаб бўлади.

Иссиқ элитганда кишининг боши оғрийди, кўнгли айниб, ланж бўлади, боши айланади. У баъзан қайт қилади, оғзи қуриб, ташналиги кучаяди, юзи тўқ қизил тусга киради. Томир уриши ва нафас олиши тезлашади, юрак атрофида нохуш оғриқ пайдо бўлади. Иссиқ элитишининг енгил кўринишида бадан ҳарорати 37,5 даражага борса, оғир ҳолатида 39-41 даражагача ҳам кўтарилади.

Агар киши узоқ вақт офтобда бошяланг юрса, офтоб уриши мумкин. Бунда ҳам иссиқ элитгандаги каби ҳолат рўй беради. Ундан ташқари, қулоқ шанғиллаб, томир уриши кучаяди, оёқ ва қўл титрайди. Юз қизариб, юрак уриши ва нафас олиш тезлашади, бадан ҳарорати 38-40 даражага кўтарилади.

Иссиқ элитиши ва офтоб уриши оқибатида баъзан киши ҳушидан кетиши, нафас олиш ва юрак уриши тўтаб қолиши ҳам мумкин. Бундай пайтда дарҳол тез ёрдамга мурожаат қилиш ёки беморга биринчи ёрдам кўрсатиб, уни зудлик билан даволаш муассасасига олиб бориш керак. Офтоб урган кишига дастлабки ёрдам кўрсатишда уни аввало тезда соя жойга ётқизиш зарур. Кейин юзини совуқ сув билан ювиш, баданини ҳўл сочиқ билан артиш керак, манглайига эса муз ёки ҳўлланган латта қўйилади. Агар беморнинг ҳуши ўзида бўлса, унга совуқ сув (бир стакан сувга ярим чой қошиқ туз солиб) ичириш керак. Нафас олишини енгиллаштириш учун вақти-вақти билан озгина пахтага новшадил спирти шимдириб ҳидлатилади.

Агар бемор ҳушидан кетган бўлса, нафас олиши ва томир уриши сезилмаса, унга сунъий нафас олдириш ва юрагини массаж қилиш керак.

Тезроқ қорайиш учун қуёшнинг қиздирувчи нурида соатлаб ётиш зararлидир. Қирғоққа яқин ердаги соя жойда ҳам қорайиш мумкин.

Қуёш тиғидагига нисбатан офтоб тафти қайтган ва нури кучсизлашган пайтда қорайиш икки-уч маротаба яхши фойда беради.

Офтобда юришга аста-секин ўрганган маъқул. Биринчи марта қуёш нурида ярим соатгача, сўнг икки соатгача (танаффус билан) бўлиш керак. Офтобда қорайгандан кейин соя жойда озроқ бўлиб, кейин чўмилиш, душга тушиш ёки нам сочиқ билан артиниш фойдалидир.

Оч қорнинга ёки овқатланиб бўлгач дарров қорайишга ўтиш керак эмас. Нонушта ёки тушки овқатдан бир, бир ярим соат ўтгачгина офтобда қорайиш мумкин. Бунда ҳам албатта бошга енгил, соябонли шляпа кийиш ёки рўмол ўраб олиш, кўзга эса қора кўзойнак тақиш лозим.

Чанқовни босиш учун ҳадеб сув ичавериш ҳам зararли. Кўп сув ичиш чанқовни босмайди, аксинча юракка ортиқча юк бўлади. Шунинг учун яхшиси ширин чой, квас ва ҳар хил шарбатлардан маромида ичиш керак.

Шу маслаҳатлар асосида офтобда қорайсангиз, соғлом ва бақувват бўласиз.

Mahalla

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:

Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таъна берди ҚУРБОНОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар: Қабулхона — 136-53-93, Тел/Факс: — 133-44-25, Масъул котиб: 136-53-75, Хатлар бўлими: 136-57-62.

7008 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-724 Топширилди — 12345